

Фаргона вилояти Кува тумани
«Дехкон бозори» акциядорлик
жамиятига
28.02.2023 йил

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект номи ва реквизитлари:

Фаргона вилояти Кува тумани «Дехкон бозори» акциядорлик жамияти:
Юридик манзил: Фаргона вилояти Кува тумани Тумарис кучаси -170 уй
Реквизитлари: «Кишлоқ қурилиш банк» Кува тумани бўлими.
X/p-20208000300213623001.MFO- 01037,ИНН-200171320
Тел. +99891 661-66-15, ОКОНХ-71270

Аудиторлик ташкилоти номи ва реквизитлари:

«ИҚТИДОР АУДИТ ИНФОРМ» МЧЖ аудиторлик ташкилоти.
Юридик манзил: Тошкент шаҳри. Қушбеги кучаси, 18-уй, ҳисоб рақами
20208000204708021001 ХАТБ «Даврбанк», МФО: 01046, СТИР: 206952776, ОКОНХ
84400, ОКЭД 69202: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2019 йил
12-Апрелда берилган 00814-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият
курсатувчи барча ҳужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш»
ҳуқуқини берувчи лицензияга эга.
«IMKON-SUG'URTA» АЖ сугурта ташкилотининг 20.12.2022 йилги № 16-057/06186
жавобгарлик сугурта полиси

Мен, «ИҚТИДОР АУДИТ ИНФОРМ» МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори
Назиркулов Фахриддин Қозимжонович (аудитор малака сертификати № 05553 Ўз.Р.
Молия вазирлиги томонидан 12 июль 2018 йилда берилган) томонидан (Аудиторлик
ташкилоти директори Назиркулов Фахриддин Қозимжонович (аудитор малака
сертификати № 05553 Ўз.Р. Молия вазирлиги томонидан 12.07.2018 йилда берилган)
06.01.2023-й. №2-сонли шартномага асосан Фаргона вилояти Кува тумани «Дехкон
бозори» акциядорлик жамиятининг (СТИР 200171320)
2022 йил 1-январдан 31 декабрь 2022 йил даври ҳолатига Бухгалтерия балансидан,
Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботдан, Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан,
Хусусий капитал тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли
қондаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган
илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш, ҳамда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрлаши ва ҳаққонийлиги учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда ақс эттирилган суммалар ва очиқ бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларни олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда аудитор вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш мақсадида, тadbиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тadbиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун старлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Фикр

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар Фарғона вилояти Кува тумани «Дехкон бозори» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 1-январдан- 31-декабрь 2022 йилгача бўлган молиявий ҳолатини кўрсатилган санада тутаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний ақс эттирилган.

Бош директор



Ф.К.Назиркулов

Аудитор



Ф.К.Назиркулов

(2018 йил 12-июль №05553 рақамли малака сертификати)

